



“СЎФИ АЗИЗЛАР” ЗИЁРАТГОҲИ ТАРИХИДАН

Эсонов Зиёдбек Юлдашевич¹

¹ Қўқон ДПИ ўқитувчи,

тарих фанлари бўйича PhD

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5998423>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01 -fevral 2022

Ma'qullandi: 05 -fevral 2022

Chop etildi: 10 - fevral 2022

KALIT SO'ZLAR

Фарғона водийси, урф-одатлар, эътиқод, авлиёлар, қурбонлик, исламлашиш, ҳунармандчилик.

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада Фарғона водийсидаги Сўфи Азизлар зиёратгоҳини юзага келиш тарихи, ушбу уламнинг насл-насабига оид маълумотлар, зиёратгоҳ билан боғлиқ шаклланган урф-одатлар ва маросимлар мазмуни очиқ берилган.

Фарғона водийси Марказий Осиёнинг энг қадимий тамаддун ўчоқларидан бири саналади. Бу табаррук заминда қадим ўтмишдан дунё таниган улуғ мутафаккирлар, олиму-шоирлар, давлат ва сиёсат арбоблари ҳамда азиз авлиёлар яшаб ўтган [1:10; 1:6-7]. Анашундай серфайз масканлардан бири бу Фарғона вилоятидаги Бувайда тумани ҳисобланади. Бу ерда ватанимиз тарихининг ёрқин саҳифаларидан бири бўлган ўлкамизни араблар томонидан забт этилиши, ислом динини кириб келиши билан боғлиқ бир қатор тарихий меъморий обидалар юзага келган.

Чунончи, Бастомбува, Биби Убайда, Пошшопирим, Сўфи Азизлар, Чилтонтепа, Бандикушодбува, Ғойиб ота, Валий пирим ва бошқалар[2:224]. Ушбу зиёратгоҳларни бу ҳудудда юзага келишини тарихий-топографик жиҳатдан, араблар билан маҳаллий аҳолининг жанглари ўтган Косонсой, Андижон ҳудудларидан чекиниш йўллари устида, ўтроқ аҳоли масканлари чегарасида Қорақалпоқ чўли четида жойлашгани билан изоҳлаш мумкин [3:10-20; 3: 280282].



Мазкур зиёратгоҳлар тарихини бугунги кунда ўрганиш долзарб масала бўлиб ҳисобланади. Буни бир қатор жиҳатлари бор. Яъни, аввало ушбу зиёратгоҳлар тарихини ўрганиш орқали ҳали тўла ёритилмаган араблар томонидан ислом динини водий ҳудудига киритилиши билан боғлиқ янги тафсилотларни ўрганиш, иккинчидан, водийда мусулмон иншоотларини юзага келиш тарихи ва шунга боғлиқ равишда хонликлар давридаги ҳукмдорларнинг саҳоватпешалик сиёсати тарихи, учинчидан халқимизнинг қадимий ва кейинги даврларда ислом дини билан синкретик тарзда етиб келган

анъаналари тарихи, тўртинчидан, ушбу меъморий ёдгорликлардан ёшларни миллий руҳда тарбиялаш ва улардан ички ҳамда ташқи туризм мақсадларида фойдаланиш масалаларини тўғри ҳал этиш мумкин. Шу сабабдан биз ҳали илмий муомалага тортилмаган, маълумотлар бир тизимга солинмаган Сўфи Азизлар зиёратгоҳи тўғрисида маълумот беришга уриндик.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, бугунги кунга қадар ушбу ёки шу каби бошқа қадамжолар тўғрисида қатъий шаклга эга ёзма манбалар сақланиб қолмаган, иншоот архитектураси бўйича даврлаштириш масалалари тўғри ҳал



этилмаган. Зиёратгоҳлар билан боғлиқ ривоятлар, маълумотларда турли бири-бирига зид фикрлар, даврий чалкашликлар каби жиҳатлар ҳам кўзга ташланади. Шунга қарамай бу йўсиндаги тадқиқотлар маҳаллий ўлкашунослик нуқтайи-назаридан муҳим аҳамиятга эга.

Сўфи Азизлар зиёратгоҳи Фарғона вилояти Бувайда тумани Янгиқишлоқ МФЙ ҳудудида жойлашган. Ушбу қадамжо билан боғлиқ маълумотларни бир қисмини бизга бу ердаги шайхларнинг 16- авлоди бўлган Отабоев Баҳодиржон Шермуҳаммад ўғли тақдим этган. Ушбу зиёратгоҳни мўъжизавий хусусиятлари, ислом оламидаги мавқеи, унинг юзага келиш тарихи билан боғлиқ турли хил маълумотлар, қарашлар мавжуд.

Мавжуд маълумотларга кўра ушбу зиёратгоҳ пайғамбаримиз авлоди Сўфи Азизларнинг номи билан боғлиқ юзага келган. Зеро, Фарғона водийсида пайғамбаримизнинг авлодлари турли тарихий даврларда юқори ўрин тутганлар[4:72-82]. Улар номи билан боғлиқ қадамжолар шаклланганлиги тадқиқотларда қайд этилган[5:10; 5:11; 5:106]. Маълумотларга кўра Сўфи Азизлар пайғамбаримиз амакилари Абу Толибнинг авлодлари ҳисобланади. XIX асрда яшаган Абу Тоҳирхўжанинг “Самария” асарида таъкидланишича, Абу Толибнинг ўғли Аббос 556-653 йиллар оралиғида Маккада яшаган, қурайш қабиласининг етакчиларидан бири бўлган. Унинг беш ўғли бўлиб, тўртинчи ўғли Қусам ҳисобланади. Қусам ибн Аббос Туркистонга ислом динини ёйган араб саркардаси Усмон ибн Саъад даврида Самарқандга келган. У 677

йилда маҳаллий аҳоли билан бўлган жангда ҳалок бўлиб Самарқандга дафн этилган. [6:29]. Ундан Самарқандда Бобо Хайр исмли фарзанд қолади, Бобо Хайрнинг фарзанди Имом Маҳмуд Исоқ, Имом Маҳмуд Исоқнинг фарзанди эса Сўфи Азизлар ҳисобланиб, бу шахс VIII-IX асрларда яшаган деган қараш мавжуд. Шу ўринда таъкидлаш керакки, пайғамбар авлоди Қусам ибн Аббосга, унинг авлодларига Мовароуннаҳрда юқори ҳурмат эътибор бўлган. Чунончи, тарихий маълумотларга кўра, Амир Темурнинг ўзи ҳам Шоҳи Зинда зиёратгоҳига, бу ерда дафн этилган Қусам ибн Аббосга эътиқоди баланд бўлган. Унга атаб масжид-мақбара қурдирган. Гиёсиддин Жавҳарийнинг таъкидлашича Қусам ибн Аббос пайғамбаримизни суюкли саҳобаларидан бўлиб, расули акрамни энг охирги кўрган, пайғамбаримизни дафн этган буюк зотлардандир. “Ашбаҳ ун-нос” ҳадисида айтилишича, “у кишининг юзи ва феъл-атвори буткул пайғамбаримизникига ўхшаб кетади” дейилган. У пайғамбаримиз набираси Имом Ҳасан билан бирга катта бўлган.

Маълумотларга кўра Самарқанд, Бухоро аҳолиси ислом динига ўтгач араблар Фарғона водийсига кириб келган бўлиб, шу даврда бошқа диний уламолар каби Сўфи Азизлар ҳам Фарғона водийсига келган. Чунки тарихчи Ибратнинг маълумотига кўра шу даврда ислом динини ўлкада ёйиш учун пайғамбар авлоди Жарир ибн Абдуллоҳ ва бошқа саййидлар водийга келадилар. Шу сабабдан Сўфи Азизлар ҳам ушбу даврда ўлкамизга келган деган фикрни билдириш мумкин. Бугунги кунда Фарғона водийсининг Бувайда



туманида Шоҳ Жарир номи билан боғлиқ Пошшопирим қадамжоси ҳам таркиб топган. Ахборотчиларнинг берган маълумотига кўра, Шоҳ Жарирни Сўфи Азизлар билан қариндошлик ришталари боғлаб турган. Хаттоки Сўфи Азизлар ёш Шоҳ Жарирга устозлик қилган, уни тарбиялаган. Тадқиқотчи О. Нишонова эса Шоҳ Жарирни бошқа бир пайғамбар авлоди Бастом шайх тарбиялагани тўғрисидаги маълумотни келтиради[7:226]. Бироқ, XIV-XV асрлар оралиғида яшаган шайх Бистомий билан VIII асрларда яшаган Шоҳ Жарир даври хронологик жиҳатдан тўғри келмайди. Эътиборли жиҳати Самарқанддаги Қусам ибн Аббос шахсига ҳам Ҳазрати Шоҳ нисбаси қўшиб айтилса [8:28], Фарғонадаги Жарир ибн Абдуллоҳ исмига ҳам ушбу нисба қўшиб айтилган. Демак, Бувайда ҳудудидаги ўзаро яқин жойлашган Биби Убайда, Бастомбува, Пошшопирим, Сўфи Азизлар, Валий пирим зиёратгоҳларини юзага келиши, бу шахсларнинг ўзаро боғлиқлиги мавжуд. Бунини маълумотлар таҳлили ҳам тасдиқлайди. Илк ўрта асрларда Фарғона водийсида давлат арбоби, ҳам тариқат пири бўлиб етишган Шоҳ Жарирни мавқеи, обрў-эътибори баланд бўлиб, шубҳасиз уни тарбиялаган Сўфи Азизларни эл орасида ўрни бениҳоя катта бўлган.

Маълумотларга кўра Самарқанддаги Қусам Ибн Аббос мазорини киши зиёрат этса кўнгли ёришган, тупроғини кўзига тўтиё қилган. Агар бирор нопок одам шайх қабрига ҳурматсизлик кўрсатса, қисқа фурсатда бирор зиён кўрган. Шу сабабдан унинг мазорига эл орасида ҳурмат юқори бўлган. Шу каби

Фарғонада ҳам Сўфи Азизлар мазорига халқ орасида эътиқод баланд бўлган. Мазкур уламони қандай тарзда вафот этганлиги, мазорининг пайдо бўлиши тўғрисида қатъий фикр айтиш мушкул. Ривоятларга таянадиган бўлсак, ғайридинлар билан бўлган жангда Сўфи азизлар ҳалок бўлади. Унинг жасадини “Асово момо” исмли кекса аёл жанг майдонидан паранжисига ўраб яшириб олиб чиқиб шу азиз маконга дафн этган. Шундан сўнг бу ерда ушбу зиёратгоҳ юзага келган дея талқин қилинади. Бироқ, ушбу ном остидаги зиёратгоҳни айнан қачон юзага келганлиги тўғрисидаги масала ҳозирча очиқ қолмоқда.

Ушбу зиёратгоҳдаги тарихий меъморий иншоотларни юзага келиши бўйича ҳам турли қарашлар мавжуд. Мазкур зиёратгоҳ шайхини берган маълумотига кўра бу ерда дастлаб маҳаллий меъмор Абу Аҳмад томонидан 1600 йилда мақбара тикланган. Хонликлар даврида у мунтазам таъмирланиб турилган. Зеро, Қўқон хони Худоёрхон даврига оид зиёратгоҳнинг тери васиқасида бу давр жараёнлари ўз аксини топган. Ўз даврида Қўқон хукмдорлари бундай зиёратгоҳларга турли ёрлиқлар тақдим этиб келганлиги маълум[9:69-72]. Бунини бошқа зиёратгоҳлар мисолида олиб борган дала тадқиқотлари ҳам тасдиқлайди [10:1].

Бироқ, мустамлакачилик маъмурияти даврида иншоотга кўп зиён етган. Ўлкани чор Россияси забт этган даврларда мақбара вайрона ҳолига келади, ғишлари айрим кишилар томонидан ташиб кетилган. Кейинчалик XX асрнинг ўрталарида, аниқроғи 1966



йилда маҳаллий жонкуяр аҳоли вакиллари томонидан ҳашар йўли билан ушбу мақбара қайта тикланади. Мустақиллик шарофати билан бу қадамжо маънавий қадрият сифатида эъзозлана бошлади. Унинг асл нуфузи қайта тикланди. 2015 йилга келиб ушбу эскирган мақбара пойдевори остига дарахт томирини илдиз отиши туфайли, унинг саҳнига зиён ета бошлайди. Шу сабабдан мақбарани бутунлай янги қиёфада бунёд этиш мақсадида маҳаллий фаоллар 2017 йилдан ҳашар йўли билан иншоотни қайтадан тиклайдилар. Бугунги муҳташам архитектура ёдгорлиги шу тарзда юзага келади. Бироқ, зиёратгоҳ биноси ичидаги авлиё қабри устига тикланган ва архитектура ечимига кўра XIX аср қурилиш услубидаги мақбара ўзининг асл ҳолини сақлаб қолган. Унинг архитектура ечими хусусидаги ва бунёд этиш даври борасидаги масала ўзининг илмий ечимини кутмоқда. Бу ерда шунингдек, тарихий аҳамиятга эга деб ҳисоблаш мумкин бўлган бир қатор ашёвий манбалар ҳам мавжуд.

Албатта халқимиз муаяйн зиёратгоҳ, қадамжоларга бежизга эътиқод қўймаган. Зеро, “Сўфи Азизлар” зиёратгоҳи ҳам бундан мустасно эмас. Маълумотларга кўра, Сўфи Азизлар пайғамбар авлодлари ўлароқ диний илм-фанда, тариқатда ва обод-ахлоқда юқори мавқега эришган. Уни шахси билан боғлиқ турли ривоятлар юза келиб, халқ орасида унга эътиқод юқори бўлган. Хусусан, ушбу авлиё Фарғона водийсида ислом динини ёйишда жонбозлик кўрсатган Шоҳ Жарирга устозлик қилган. Умуман юртда имомлик қилиб бу заминда аҳолини

фаровон яшашига ўзининг муносиб хиссасини қўшган. Натижада маҳаллий аҳолининг унга, вафот этгач унинг мақбарасига нисбатан беҳад юқори ҳурмати, эътиқоди юзага келган. Кишилар ўз касалликларига, муаммоларига ечим излаб ушбу зиёратгоҳга ташриф буюриш одати юза келган. Шу сабаб бугунги кунга қадар турли яра-чақалар, тошмалар тошганда зиёратгоҳ тупроғини, шу ердаги булоқ сувини шифо сифатида фойдаланиш анъанаси сақланган. Халқимизнинг турли сайллари, байрамлари ҳам шу ерда нишонланган.

Бошқа томондан Бувайда замини ҳам водийдаги турли ҳунармандчилик тармоқлари ривож топган масканлардан бири бўлиб, асрлар давомида маҳаллий ҳунармандлар тоифасини ушбу мақбарага эътиқод қилиш анъаналари ҳам шаклланиб келган. Жумладан, зиёратгоҳга Янгиқишлоқдаги темирчилар, Таррачи, Ғазначи, Гулқишлоғидаги тандирчилар, деҳқонлар, бугунги кунда эса тадбиркорлар бир йилда бир марта эрта баҳорда ўзларининг йиллик йиғини “Анжуман”ларини шу ерда ўтказганлар. Шунингдек, тўқимачилик, дўппидўзлик ва чеварчилик билан шуғулланувчи водийлик аёл ҳунармандлар ҳам шундай йиғинларини, зиёратларини бу ерда ўтказганлар. Ҳунармандлар бу ерда қурбонлик маросими ўтказганлар, соҳа пир-ҳомийси тимсоли билан боғлиқ удумларни бажарганлар. Маҳаллий аҳоли вакиллари бу ерга сафардан олдида келиш одати ҳам бўлган. Шу сабаб водийдаги кўплаб шаҳар ва қишлоқлардан зиёратчилар доим бу ерга келиб турган. Айтиш мумкинки, бу



микроҳудуддаги аҳоли ижтимоий ҳаётида ушбу зиёратгоҳ катта аҳамиятга эга бўлиб келган ва зиёратгоҳ бу мавқеини бугунги кунларча сақлаб қолган.

Бугунги кунда қабристон умумий майдони 9,5 гр ни ташкил этади. Бу ерга 21 қишлоқнинг 47- маҳалласи аҳолиси ўтганлари дафн этилади. Охирги таъмирлаш ишларидан сўнг қадамжо қабристон бўлиш билан бирга

зиёратчилар ташриф буюрадиган муҳим бир масканга айланган. Муҳташам мақбара, замонавий санузел тармоқлари, йўл тармоғи ташкил этилган. Эндиги масала зиёратгоҳ тарихини чуқур ўрганиш, уни асосида зарур таништирувчи лавҳалар ўрнатиш, зиёратгоҳ йўл кўрсаткичларини тузиб, Фарғона водийси саёҳат маршрутлари доирасига киритишдан иборат деб ҳисоблаймиз.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Йўлдошев Н. Бухородаги айрим авлиёлар тарихи. – Бухоро. 1993 й. – Б.10.; Абдулаҳадов Н., Эшонбобоев Ў. Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари. – Фарғона: “Фарғона”, 2007. – Б. 6-7.
2. Нишонов О. Биби Убайда зиёратгоҳи. // Имом ал-Бухорий сабоқлари. №4. 2003 й. – Б. 224.
3. Шоҳ Ҳаким Ҳолис. Сафед Булон қиссаси. –Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1994 й. – Б.10-20.; Ибрат. Фарғона тарихи. – Тошкент: Камалак, 1991 й. – Б. 280-282.
4. Эсонов З. Диний арбоб Соҳибзода Миён Ҳазратнинг Қўқон хонлигида тутган ўрни.// “Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда”. Халқаро конференция материаллари. – Фарғона-2021 й. июн. – Б. 72-82.
5. Алишер Бек Туркийзабон саййид авлодлари. – Фарғона: “Фарғона”, 1998 й. –Б.10.; Иноғомов Р. Муҳаммад пайғамбарнинг туркий авлодлари. –Тошкент: Камалак, 1995 й., – Б.11.; Абдулаҳатов Н. Муҳаммад ибн ал-Ҳанафия ҳақидаги ривоятлар // Имом ал-Бухорий сабоқлари. № 2. 2006. – Б.106.
6. Абу Тоҳирхўжа. Самария. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 29.
7. Нишонов О. Биби Убайда зиёратгоҳи. // Имом ал-Бухорий сабоқлари. №4. 2003 й. – Б.226.
8. Абу Тоҳирхўжа. Самария. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 28.
9. Валидов З.А. Некоторые данные по истории Ферганы XVIII-столетия // Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского куржка любителей археологии. Вып. 2. –Ташкент: 1916. – С. 69-72.
10. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Данғара тумани Ҳовбува зиёратгоҳи. 2019 йил; Фарғона вилояти Данғара тумани Доимобод қишлоғи. Хўжа Туроб зиёратгоҳи. 2021 йил.